

## ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ АЛОҚАЛАРИДА БУХОРО ВИЛОЯТИ ИШТИРОКИДАН (1991-1995 ЙИЛЛАР)

ТУЙЕВ ФАЗЛИДДИН ЭРКИНОВИЧ

Бухоро давлат университетининг

Педагогика институти

Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7184086>

1991 йилда Ўзбекистон миллий мустақиллиги туфайли хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларидан янги сифат илк босқич бошланди. Ушбу алоқаларнинг ўзига хос шакил ва ютуқлари вужудга кела бошлади.

Хорижлик ишбилармонлар билан ўзаро ҳамкорлик корхоналари очишга алоҳида эътибор берилгани муҳимдир, 1992 йилда Бухоро вилояти Бухоро тумани У.Юсупов номли жамоа хўжалигида биринчилардан бўлиб Италиянинг “Карера” фирмаси билан ҳамкорликда кийм-кечак тикув фабрикаси қурилиб фойдаланишга топширилди.

Бозор итисодиёти муносабатлари қарор топаётган 1992 йил бошида мураккаб жараён Бухоро вилоятида менежерлик, воситачилик хизматини йўлга қўйилиши ва жадал ривожлантириш вазифасини бажаришни тақозо этмоқда эди. Шу мақсад билан вилоятнинг бир гуру ишбилармон шахслари АҚШнинг Жоржия штатига хизмат сафарида бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритиш усуллари билан чуқур танишиб қайтдилар. 1992 йил бошларида ушбу тажриба ўрганиш, алоқаларни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистонга Жоржия штатидан Дорилфунун профессорлардан Перри ва Линда Холлар Дортимиза меҳмон бўлиб келишди. Улар, ўз сафарлари давомида Бухоро вилоятида ҳам бўлиб вилоятнинг иқтисодий имкониятлари билан танишдилар.

Айниқса, улар пахтачилик саноати ва жумҳурият олий бошқариш мактабининг Бухоро бўлими иш тажрибаси билан танишганлари таҳсинга сазавор. Улар вилоят корхоналарида эришилаётган ютуқлар, йўл қўйилаётган нуқсонлар хусусида ўзаро фикр алмашдилар. Пахтачилик саноати бўйича Жоржия штатидан менежерлик сабоғини олиб қайтган ғиждувонлик Рустам Ярашев, ромитанлик Ғафур Ҳожиев, пешқўлик Саттор Тилавов, когонлик А. Турсунов ва бошқалар меҳмонлар билан қизиқарли, самарали мулоқотда тажриба алмашдилар, улардан керакли маслаҳатлар олдилар. Айниқса, Ромитан туманидаги пахта тозалаш заводининг иш тажрибаси меҳмонларда катта кизиқиш уйғотган. Ўша пайтда Завод директори А. Абдурахмонов 1991 йили Америкада бўлиб, тажриба

орттиргани, шу йили Туйев Тўла бошчилигида уч нафар ҳамкасблари билан биргаликда Россиянинг Уфа шаҳрида бориб шу йрдаги автомобил заводидан КАМАЗ юк автомашинаси харид қилиб Ромитан туманига келтирилганлиги, 1992 йилда эса заводда менежерлик хизматини йўлга қўйилганлиги шахсий мулоқат давомида аниқланди.

1992 йилдан Туйев Тўла пахта тозалаш заводининг завгар (гараж менежери) лавазимига тайинланган. Туйев Тўла Завод хомашёсининг экспорт гуруҳига раҳбарлик қилганди. Улар Ўрта Осиё ва МДХ давлатларига прессланган пахта (кип) маҳсулотларини экспорт қилганлиги, пахта тозалаш заводи билан бир қаторда Ромитан туманининг иқтисодий фаолиятига катта ҳисса қўшганлиги муҳимдир.

Америкалик олимлар билан бўлган субатларда жумҳурият олий бошқариш мактабининг ректори, профессор Р. Турсунов, агробизнес ишларини ташкил қилиш хусусида, пахтачилик саноати бошқармаси бош директорининг иқтисодиёт бўйича муовини И. Нуров менежерлик хизматининг аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазалар алмашганлар. Учрашув сўнггида америкалик олимлар 1992 йилдан бошлаб жумҳурият олий бошқариш мактабининг Бухоро филиали билан ҳамкорликда Бухорода менежерлар тайёрлашга ўзаро келишиб олганлар.

1992 йилда турли фирмаларнинг бошлиқларидан иборат бир гуруҳ туркиялик ишбилармонлар Бухоро вилоятига ташриф буюрган эди. Ишбилармонларни халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси Д.С. Ёдгоров қабул қилган. Д.С. Ёдгоров шу йили Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А. Каримовнинг Туркия Президенти Тургут Озал ва Республика Бош вазири Сулаймон Демирел билан учрашувини муҳим воқеа сифатида таъкидлаган. Бу учрашув чоғида савдо-иқтисодий алоқалар бўйича манфаатли шартномалар имзоланганлиги, ҳар икки мамлакатда элчихоналар очиш, ҳаво йўлларини ишга солиш масалалари ҳал этилган.

Туркия ишбилармонларининг Бухорога ташрифи иқтисодий алоқалар ривожига ўзига хос босқич бўлганлигидан далолат эди. Бухоронинг табиий бойликлари ва ишчи кучи захираси, Туркиянинг замонавий технологияси, иқтисодий имкониятлари ўзаро алоқалар учун тўла кенг йўл очди. Икки томон ҳамкорликда қўшма корхоналар, банклар, бошқа соҳалар иқтисодий ҳамкорлик ташкил этишга келишиб олдилар. Туркиялик ишбилармонлар гуруҳи раҳбари Бюланд Эргин ўзаро мулоқот ва музокараларда ўзини илиқ кутиб олганликлари учун бухороликларга миннатдорчилик билдирди. Меҳмонлар Бухоронинг тарихий ва беқарор

меъморий обидаларини бориб кўрдилар. Ишбилармонлар гуруҳига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Макамаси Раисининг ўринбосари Б.С. Ҳамидов ҳамроҳлик қилганди.

1989-1991 йиллардан Бухоро вилояти билан Туркия ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар анча жонлангани яққол кўзга ташланади. Шу йиллардан турк ишбилармонлари ва корчалонлари Бухоро вилоятига алоҳида қизиқиш билдиришганди. Бунинг сабалари сифатида тили ва дин, урф-одатлар бир-бирига яқин бўлган икки халқ ўртасидаги алоқаларни қайта тиклаш ҳар иккала томон учун ҳам фойдали эканлигини англаш каби омиллар таъсир кўрсатди.

Талаба меҳнат семестри орқали ҳам ҳамкорлик алоқалар 1991 йилда қилинганлигини кўриш мумкин. Қурилиш техникумининг бир гуруҳ талабалари меҳнат семестрини Белоруссия Республикаси Витэбск вилоятининг Городок ва Орша районларининг давлат ва жамоа хўжаликларида ўтказдилар. “Бинокор” ва “Машъал” деб номланган иккита қурилиш гуруҳига бирлашган талабалар шартнома бўйича 40 минг сўмдан (1991-1992 йиллар пули билан) иш бажаришлари керак бўлган эди, айтиш мумкинки ҳар иккала гуруҳ ҳам топшириқни анча ортиғи билан уддалаганди. Натижада режадаги 80 минг сўм ўрнига 297 минг сўмлик иш бажарилган. Бундай муваффақиятни кўлга киритишда талабалардан Ислом Тошев, Ҳайдар Саидов, Шухрат Дўстов, Музаффар Рустамқулов, Ашур Ибодов ва бошқалар айниқса, салқмоли ҳисса қўшдилар. Амалиёт даврида гуруҳлардаги ҳар бир кишининг ўртача иш ҳақи 1500 сўмни ташкил этган.

1992 йилнинг 29 декабрида Янги йил арафасида асотқатция жамоаси Бухородаги 123-махсус мактаб интернати ўқувчиларга (1992 йилги пул билан) 60 минг сўмлик совғалар тарқатган. 1989 йилда ташкил қилинган ушбу мактаб интернатида 154 кар, соқов, паст эшитувчи ва чала гапирувчи болалар таълим-тарбия олади. Улар Бухоро, Қашқадарё, Сурхандарё, Хоразм вилоятларидан бўлиб, мактаб-интернатига Бухоро ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти катта оталиқ ёрдами кўрсатганди. 1992 йилдан бу жамоа сафига “Бухоро ташқи иқтисодий алоқалар ассотқатцияси” ҳам қўшилганди.

1960 йилларнинг бошларида Ўзбекистон Биродарлашган шаҳарлар фйдератсиясига жамоатчилик асосида аъзо бўлиб, Республика пойтахти Тошкент Покистоннинг Карачи (1964 йил), Марокашнинг Марокаш (1964 йил), Туниснинг Тунис, Триполи (1964, 1966); АҚШнинг Сиэтл (1972), Самаранд Кайруан (Тунис, 1977 йил), Куско (Перу, 1986), Олимпия (АҚШ,

1987 йил), Санта-Фе (АҚШ, Нью-Йорк, Мексика 1987 йил) Малатья (Туркия, 1992 йил) каби шаҳарлар билан биродарлашганди. Очиқ осмон остидаги музей бўлган Бухоро 1980 йил декабрда Испаниянинг Кардова шаҳри билан биродарлашдилар.

1986 йил Бухоро ва Кардова шаҳарлари ўртасида меморандум имзоланди. 1986 йилда Бухорода Кардова маданияти кунлари 1988 йилда Кардова (Испания)да Бухоро маданияти кунлари ўтказилиб, ушбу тадбирларда ислом қадимий шаҳар санъати адабиёти, меъморчилик обидалари ҳақида ҳам танишув бўлди. 1980 йиллар охири 1990 йиллар бошида Бухоро шаҳрида дўстлик рамзи сифатида “Кардова кафеси”, Кардовада еса “Бухоро” номли қаҳвахона иш бошлаганди. Икки шаҳар делегатсия аъзолари Кардовада 1989 йил 24-октабрда Бухоро давлат педагогика институти (ҳозирги БухДУ) билан Кардова университети ўртасида илмий ўқув-педагогик ҳамкорликни йўлга қўйишга мўлжалланган. 1988-1994 йилларга қадар шартномани имзоладилар. Ўша учрашувда 1990 йил Кардовада, 1992 йил Бухорода “Кардова” ва Бухоро ҳамкорлик алоқалари ўтказишга келишилди.

Хулоса, мустақилликнинг 1991-1995 йиллар давомида Ўзбекистон ташқи алоқаларида Бухоро вилояти ҳам фаол иштирок этиб, ўзаро хориж билан ҳамкорликнинг янги йўналишлари вужудга кела борди.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги Бухоро вилоят филиали жорий архиви. 2022 йил. 25 апрел.
2. Правдп Востока, 1990 год. 25 октябрия.
3. Внешнеполитический Курс Нового Узбекистана Т. ©ННО «Центр устойчивого развития», 2021. С-470.
4. ХАЙЕТОВ, Шадмон Ахмадович, and Фазлиддин Эркинович ТУЙЕВ. "ДАННЫЕ ПЕРЕПИСИ НАСЕЛЕНИЯ РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ 1897 ГОДА, ЯВЛЯЮЩИЕСЯ ИСТОЧНИКОМ ИЗУЧЕНИЯ НАСЕЛЕНИЯ, СОЦИАЛЬНОГО УСТРОЙСТВА И ЗАНЯТИЙ ТУРКЕСТАНА." Актуальные исследования 24 (2021): 26-30.
5. Erkinovich, Tuyev Fazliddin. "BUKHARA'S PARTICIPATION IN PUBLIC DIPLOMACY IN COOPERATION WITH FOREIGN COUNTRIES THROUGH UNIFIED CITIES." INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES ISSN: 2349-7793 Impact Factor: 6.876 16.5 (2022): 131-132.

6. ERKINOVICH, TUYEV FAZLIDDIN. "FACTORS OF SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT IN BUKHARA REGION IN 1991-1995 AND THE ISSUE OF PARTICIPATION IN FOREIGN RELATIONS." INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 11.05 (2022): 256-258.
7. Sobirovich T. B. The implementation of human indicator reforms in Uzbekistan //Asian Journal of Multidimensional Research. – 2021. – T. 10. – №. 9. – C. 197-202.
8. Sobirovich T. B. Issues of gender equality in uzbekistan: Strategy of reforms //Asian Journal
9. Turdiyev B. S. The role of national harmony in the strategy of spiritual renewal //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – T. 1. – №. 6. – C. 229-233.
10. Sobirovich T. B. Strategy of Renewal of National Spirituality of Uzbekistan //International Journal on Integrated Education. – 2020. – T. 3. – №. 8. – C. 122-126.
11. Sobirovich T. B. The criterion of human indicators in development and renewals in Uzbekistan //EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR). – 2020. – T. 6. – №. 8. – C. 509-511.
12. Sobirovich T. B. Evolution of ideas and views on the development of democratic society and spiritual renewals //Scientific Bulletin of Namangan State University. – №. 10. – C. 243-250.
13. Sobirovich T. B. Philosophical Dialectics of National and Universal Cultural Development //Irish Interdisciplinary Journal of Science & Research (IIJSR). – 2021.
14. Sobirovich T. B. National Principles of Democracy in Uzbekistan //Mediterranean Journal of Basic and Applied Sciences (MJBAS). – 2021. – T. 5. – №. 3. – C. 131-135.
15. Sobirovich T. B. Issues of gender equality in uzbekistan: Strategy of reforms //Asian Journal of Multidimensional Research. – 2021. – T. 10. – №. 9. – C. 203-207.